

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Навоий шаҳри

2023 йил 03 октябрь

Кармана туманлараро иқтисодий суди судьяси Ф.Ф.Бахронов, даъвогар XXXXнинг жавобгар XXXXXдан компенсация тўлови ва пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризасини соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар XXXXX судга мурожаат этиб, жавобгар XXXXXдан XXXXX сўм компенсация ва XXXXX сўм пеня ундиришни сўраган.

Жавобгар томонидан даъво аризаси нусхаси олингандан сўнг судга эътирознома тақдим этилмаган.

Суд, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъвони қисман қаноатлантиришни, суд харажатларини жавобгарнинг зиммасига юклашни лозим топади.

Ишдаги материаллардан ва суд муҳокамасида аниқланишича, жавобгар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари тўловчиси бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 апрелдаги 202-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом”нинг 5-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга чиқариб ташловчи, оқова оқизувчи ва чиқиндиларни жойлаштирувчи юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари тўловчилар ҳисобланади, шунингдек юридик ва юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳамда шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари коммунал канализация тармоқларига ифлослантирувчи моддаларни нормативдан ортиқча оқизувчи жисмоний шахслар.

Низомнинг 6-бандига кўра, атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар ташламаларини ва оқоваларни норматив ва нормативдан ортиқча чиқарганлик ва оқизганлик, шунингдек, чиқиндиларни белгиланган лимит ва лимитдан ортиқча жойлаштирилганлик учун компенсация тўловлари миқдори атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I — IV тоифаларига мансуб компенсация тўловчи субъектлар томонидан ушбу Низомнинг 1, 2, 3, 4 ва 5-иловаларига асосан белгиланган базавий ставкаларга мувофиқ, атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи моддалар ташланмалари, оқовалари массаси чиқиндиларни жойлаштириш билан боғлиқ аниқ маълумотлар ҳамда тасдиқланган экологик нормативларга асосланган ҳолда мустақил равишда белгиланади.



Хавфлилик даражаси I (юқори даражада хавфли), II (ўртача даражада хавфли) ва III (паст даражада хавфли) тоифаларга мансуб компенсация тўловчи субъектлар учун тўловлар миқдори лаборатория таҳлиллари асосида, агар атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбаларда назоратнинг автоматик тизими жорий этилган бўлса, бу ҳолатда компенсация тўловлари ушбу тизимнинг маълумотлари асосида ҳисобланиши мумкин.

Низомнинг 26-бандига кўра, I ва II тоифага мансуб компенсация тўловчи субъектлар ҳар чорақда атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги, чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунигача аванс компенсация тўловини амалга оширадilar. Аванс компенсация тўловлари олдинги чорақ маълумотлари бўйича ифлослантирувчи моддалар атроф табиий муҳитга чиқариб ташланиши, оқизилиши ва чиқиндилар жойлаштирилишининг норматив ва нормативдан ортиқча амалдаги ўртача ойлик массасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Тегишли чорақ учун ҳисоблаб чиқилган компенсация тўлови суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан кам бўлган тақдирда, компенсация тўлови ҳар чорақда бир марта, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунигача амалга оширилади. Бу ҳолатда ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга норматив бўйича ва нормативдан ортиқ чиқариш, оқизиш ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштириш ҳисоб-китоби молиявий ҳисоб-китобни тақдим этиш учун белгиланган муддатларда, йилига бир марта экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари билан келишилади.

Шунингдек, Низомнинг 27-бандига кўра, III ва IV тоифаларга мансуб компенсация тўловчи субъектлар томонидан атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари йилига бир марта, ҳисобот давридан кейинги йилнинг 5 февралигача амалга оширилади.

Бироқ, XXXXX сўм компенсация тўлови тўланмасдан келинганлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Шунга кўра суд, жавобгардан даъвогар фойдасига XXXXX сўм компенсация тўловларини ундиришни лозим топади.

Даъво аризасида ушбу тўловлар кечиктирилганлиги учун XXXXX сўм пеня ундириш ҳам сўралган.

Юқоридаги Низом 30-бандига кўра, маблағлар ўз вақтида ўтказилмаган тақдирда муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун компенсация тўлови бўйича қарздорлик суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, бироқ қарздорлик умумий суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида, пеня ундирилади.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 163-сонли қарорининг асосида тушунтириш берилган бўлиб, унга кўра, иқтисодий судларда солиқ,



молиявий ва маъмурий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқишда фуқаролик қонун ҳужжатлари қўлланилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Биобарин, юридик шахсларнинг солиқ, божхона ва бошқа давлат органлари томонидан мулкый жарималар сифатида асосиз ундирилган пул маблағларини қайтариш тўғрисидаги талаблари қаноатлантирилганда, бу маблағлардан фойдаланилганлик учун фоизлар ҳисобланмайди ва бундай ҳолларда пул мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи ФКнинг 327-моддаси қоидалари қўлланилмайди.

Суд иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, даъво талабининг пеня ундириш қисмини қисман қаноатлантиришни, жавобгардан даъвогар фойдасига 100.000 сўм миқдорида пеня ундиришни лозим топди.

ИПКнинг 118-моддасига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда юкланади.

Шу сабабли суд, ишни кўриш билан боғлиқ бўлган суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни, жавобгардан республика бюджетига 330.000 сўм давлат божи ҳамда даъвогар фойдасига олдиндан тўланган 33.000 сўм почта харажатлари ундиришни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176, 179-моддаларини қўллаб, суд

ҚАРОР ҚИЛДИ :

Даъво талаби қисман қаноатлантирилсин.

Даъвогар ХХХХХ фойдасига жавобгар ХХХХХдан ХХХХХ сўм компенсация тўлови, ХХХХ сўм пеня ва олдиндан тўланган ХХХХ сўм почта харажатлари ундирилсин.

Даъво талабларининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Жавобгар ХХХХХдан республика бюджетига ХХХХ сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф Навоий вилоят судига белгиланган тартибда апелляция шикоятни бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи, судья

Ф.Ф.Бахронов

